

Атаджанова Гўзал Фарходовна,

кабинет мудири

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

## ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАННИШИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Қозогистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришини қўллаб-қувватлашининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

**Аннотация.** В статье освещаются особенности поддержки развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Казахстан.

**Abstract.** The article highlights the features of supporting the development of small business and private entrepreneurship in the Republic of Kazakhstan.

Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес субъектларининг ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Ушбу соҳада қабул қилинаётган меъёрий хужжатларнинг амалиётга самарали тадбик этилиши ва амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий натижаларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Ушбу тармоқни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакат макроиктисодий курсаткичларини ривожлантиришга эришилмоқда.

Иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Контилон Р., Тюрго А., Кене Ф., Смит А. ва Сеи Ж.Б кабиларнинг асарларида эътибор қаратила бошланди. Бироқ ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида “тадбиркорлик” тушунчасининг кўп маънолилиги сақланиб қолмоқда. Илмий адабиётда ушбу тушунча ҳақида қўпинча бу ҳодисанинг иқтисодий, ташкилий ва руҳий тавсифлари (турли-туман қарашлар) тўплашидан иборат ҳар хил тасаввурлар мавжуд.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини доир кўплаб қарашлар мавжуд бўлиб, инсоният ривожланиш тарихи у ёки бу жиҳатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган.

Бизнес - бу аввало, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни ўзи, сўнгра эса пул ишлаш демакдир. Бизнес- бу хорижий сўздир. У бутун дунё бўйича тарқалгандир, ундан барча мамлакатларда фойдаланадилар. Бу сўзларни ортида “иш” яъни иш билан шуғулланиш ёки корхона ташкил қилиш ётади. Шундай қилиб, бизнес - бу корхона ташкил қилиш демакдир (саноат корхонаси, савдо дўкони, хизмат кўрсатиш корхонаси, аудиторлик контораси, адвокат идораси, банк ва х.к.).

Демак, биз бу йўқ нарсадан пул қилиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш демақдир.

Иқтисодий ва илмий – техникавий салоҳияти юқори мамлакатларда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири кичик бизнесни қўллаб - қувватлаш билан боғлиқ. Ушбу мамлакатларда кичик бизнес улушкига барча корхоналарининг 90-95 фоизи ва ялпи ички маҳсулотларининг 40 фоизи атрофида тўғри келади.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг фаолият соҳасини ва ихтисослашувини тез ўзгартира олиш туфайли ва фан – техника янгиликларини фаол ўзлаштириш имконига эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рақобат муҳити ривожланишига ёрдам беради ва шу билан иқтисодиётнинг монополлашув даражасини камайтиради ҳамда мулкдорларни шакллантиришнинг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳажмининг кичиклиги унинг оммовийлигига сабаб бўлади ва шунинг учун ҳам янги ишчи ўринларини яратишида тадбиркорликнинг ушбу шакли ҳаётда, амалиётда қўл келади.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес иқтисодиётнинг асосини ташкил этиб, бутун иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсири кўрсатмоқда. Бу мамлакатларда кичик бизнеснинг улushi ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)да 50-60 фоизни, умумий бандликда 54-78 фоизни ва жами корхоналарда 97-99 фоизни ташкил қиласди<sup>1</sup>.

Қозоғистон Республикасида қисқа вақт ичида ишлаб чиқилган иқтисодий сиёsat бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган. Қозоғистонда ўтган асрнинг 90-йилларининг бошида содир бўлган мураккаб ва оғир вазиятда, йирик корхоналар иш фаолияти тўхтаб қолди ва қўплаб кишилар ўз иш ўринларини йўқотди. Шу сабабли Қозоғистонда кичик бизнесни ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос тўрт босқични босиб ўтди.

**Биринчи босқич** - нархларни эркинлаштириш (1991-1992 йй.) босқичи. Кичик бизнес - бозор иқтисодиётининг биринчи талаби пул айланмаси бўлиб, яъни савдо ва хизматлар соҳасидаги эркинлаштириш даврида пайдо бўлди. Йирик корхоналарнинг асосий мақсади- ўз маҳсулотларини, асосий ва ёрдамчи обьектларни таъминлашдан иборат эди. Республикада бу даврда 34,5 мингта кичик бизнес фирмалари фаолият юритар эди. Улар мамлакатдаги жами ишчи кучининг 6,0 фоизини ташкил қиласди, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар улushi ялпи ички маҳсулотнинг 7,0 фоизини ташкил этган. 1992

<sup>1</sup> Лапуста М. Г. Малое предпринимательство: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - С. 567.

йилда МДХ тарихида биринчи марта Қозогистон Республикасида бизнесни ривожлантириш мақсадида Форум бўлиб ўтди.

**Иккинчи босқичда** - миңтақада қатъий пул - кредит ва солик -бюджет сиёсатини қайтадан тизимлаштириш сиёсати амалга оширилди (1993 йй.). Ушбу босқичда мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш мақсадида солик имтиёзлари ишлаб чиқиш фаолиятини бекор қилди. Солик имтиёзларини бекор қилиш кичик бизнеснинг ривожланишига салбий таъсир қўрсатди. Мамлакатлар мустақилликка эришгандан сўнг, хусусан, бозорда товарлар тақчиллиги, инвестиция фондлари тез айланмаси, ҳамда тадбиркорлик фаолияти бошланди. Банк ва савдо фаолияти реал иқтисодиётнинг энг даромадли соҳасига айланиб, 1995 йилда 1992 йилга нисбатан мамлакат ЯИМда кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш улуши 6,0 фоиздан пасайди.

**Учинчи босқич** - кичик хусусийлаштириш буми (1996-1997 йй) босқичи. 1996 йил охири 1997 йил бошларида мамлакатда баъзи макроиқтисодий барқарорлаштириш ҳолати мавжуд эди. Кичик бизнесни қўллаб - қувватлаш учун 1997 йил 6 март Қозогистон Республикаси Президенти томонидан "Кичик бизнесни ривожлантиришнинг Давлат томонидан қўллаб - қувватлаш чора - тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга мувофиқ кичик корхона субъектларига 1520 та бўш обьект ва иншоат сотиб олинди, 1334 та обьект ижарага берилди. Корхоналарга 571 та ишончли бошқариш, 204 та бепул обьект ишлаб чиқариш ва фойдаланишга топширилди, 5664 та дўконлар, кафелар, дорихоналар ва бошқа обьектлар учун турар - жой бинолари, қўйи қаватли квартиralар қайта ишлаб чиқиш учун рухсатномалар олинган. Корхоналарда меҳнат ва техник салоҳияти тобора ошиб борди, техник имкониятларни қайта қуроллантириш ва бозорга осон кириш имкониятлари мавжуд бўлган.

Марказлашган корхона тармоқлари савдо ва умумий овқатланиш бошқармалари мамлакатда кичик бизнеснинг шаклланиши учун асосий манба бўлди. Афсуски, манзиллик хусусийлаштириш кечикиш билан амалга оширилди, юқоридаги тармоқларда мавжуд инфратузилма аллақачон амалда ўз кучини йўқотган эди. Ушбу инфратузилма аллақачон бекор қилинган, тажрибали ишчи кучи янги кадрлар тайёрлаш, янги соҳаларда ривожлантиришни йўлга қўйиш, ускуналар ва асосий фондларни тўлиқ оширишни талаб этар эди. Шундай қилиб, аҳоли ижтимоий хизматларига қаратилган иқтисодиётнинг муҳим сектори барҳам топган эди. Лекин кўп тармоқли вазирликлар қисқартирилгандан сўнг 1988-1990 йилларда айни шу тармоқларда марказлашган бошқарув ҳамда давлат томонидан васийлик қилиш йўқ қилинди, аҳолининг энг кўп қатламини ишга жалб қилиш динамикаси

ривожланди. Бу бозорнинг талаб ва таклиф асосида ўз - ўзини тартибга солувчи кичик бизнес бозор шароитларига энг мос эканини яна бир бор тасдиқлади.

**Тўртинчи босқич** - (1998-2001 йй) республикада иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан ривожлантириш даври бўлиб, у саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ЯИМ, молия - кредит тизимининг барқарор ривожланиши ўсиши билан боғлиқ бўлди. Ушбу босқичга мувофиқ, кичик бизнесни молиялаштиришнинг асосий манбалари “Давлат бандликка кўмаклашиш” жамғармаси, икки босқичли банклар, маҳаллий бюджетлар, шунингдек, кредит линиялари “Осиё тараққиёт банки” ва “Европа тикланиш ва тараққиёт” банки ҳисобланади. Баъзи ҳудудларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун коммунал мулкдан олинган маблағлар ликвидлиги яратилди.<sup>2</sup>

2010 йил апрел ойида ишга туширилган ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган "Бизнес йўл харитаси 2020» дастурини амалга ошириш, , Қозоғистон инқироздан кейинги ривожланиш масалаларини ҳал қилиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида 2010-2014 йилларда Қозоғистонда индустрисал – инновацион ривожлантириш давлат дастури амалга оширилда. Ушбу дастурга кўра, янги иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшиш, иқтисодиётнинг нодавлат нефт соҳаларида минтақавий тадбиркорликни барқарор ва мувозанатли ривожлантиришга эришиш масалалари кўриб чиқилди. Тадбиркорларга кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкалари ва тадбиркорларга "Даму" жамғармаси томонидан кредитлар берилади. Бугунги кунда дастур уч йўл билан амалга оширилади:

1. Янги иш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш. "Янги иш ташаббусларни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш:

- лойиҳаларни амалга ошириш учун банк кредитлари бўйича фоиз ставкасини субсидиялаш (7 фоизгача);
- лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган банклар, кредитлар бўйича қисман кафолати (70 фоизгача);
- ишлаб чиқариш (саноат) инфратузилмасини ривожлантириш.

2. Тадбиркорлик фаолиятида валюта хатарини камайтириш. Ташқи бозордаги экспорт бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, давлат томонидан банклар мавжуд кредитлари бўйича фоизларни қўллаб-қувватлаш (8 фоиз) субсидиялаш ёрдамида эришилади.

3. Тадбиркорлик салоҳиятини кучайтириш. Ушбу тадбирлар ўз ичига қўйидагиларни олади:

- янги тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- хизматларни қўллаб - қувватлаш;

<sup>2</sup>Кантарбаева А.К. //Экономические регуляторы поддержки предпринимательства. А.: Раритет,2005. С 312.

- кичик ва ўрта бизнесни юқори бошқарувда тайёрлаш;
- (кейинги ўринларда - “Бизнес Соммуниципон” лойиҳаси) хорижий ҳамкорлар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш;
- таълим ва меҳнат бозори мутахассисликлари бўйича кадрларни қайта тайёрлаш.<sup>3</sup>

Қозогистонда кичик бизнес барқарор ривожланмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Қозогистон Республикасида кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб - қувватлаш учун давлат дастурини амалга ошириш учун давлат ва бизнес ўртасида яқин ҳамкорлик асосида ижтимоий - тадбиркорлик корпоратсиялар (ИТК) ташкил этилган. Республика инқироз даврида кичик ва ўрта корхоналарни (КЎК) қўллаб - қувватлаш учун уч баробар кўпроқ маблағ ажратди.

Қозогистонда кичик бизнес фаолиятини янада ривожлантириш орқали унинг ЯИМ даги улушкини ошириш, ахолини иш билан банд этиш, уларнинг реал даромадларини купайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда кичик бизнес корхоналари самарали бошқариш муҳим ахамият касб этади. Қозогистон Республикасининг ЯИМ миқдори ўсиши 2014 йилда 4,3 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес фаолиятида иш юритаётган корхоналар ҳажми 6 фоизга ўсди. Кичик ва ўрта корхоналар сиёҳдори 2014 йили 75740 мингтани ташкил қилди.<sup>4</sup> “XXI асрда Қозогистонда кичик ва ўрта бизнеснининг асосий инструменти мамлакатда саноатлаштириш ҳамда модернизациялаштиришни ривожлантириш ҳисобланади. Кичик бизнеснинг улуси қанчалик бизнингиқтисодиётда юқори бўлса мамлакатимизнинг ривожланиши даражаси ўшанча мустахкамланади.” деб таъкидлайди Президент Нурсултон Назарбоев.<sup>5</sup> Қозогистон Республикасида 2017 йилдаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги асосий кўрсаткичларни кўриб чиқадиган бўлсак, кичик бизнес ЯИМ даги улуси 25,6 фоизни ташкил қилади ҳамда бу соҳада бандлик даражаси 36 фоизга тўғри келади. Қозогистон Республикасида якка тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнеснинг асосий субъекти бўлиб ҳисобланади. 2017 йил январь ҳолатига якка тадбиркорлик соҳасида 800 минг ташкилотлар фаолият юритган, бу эса КЎБ нинг 68 фоизини ташкил қилади. Якка тартибдаги тадбиркорликда фаолият юритадиган битта ишчининг товар


<sup>3</sup> (01.02.2006 йил ҳолатига тузатишлари) Қозогистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Қозогистон ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун чора-тадбирлари тўғрисидаги “фармони.

<sup>4</sup> <http://www.nationalbank.kz>.2014

<sup>5</sup> Малый бизнес предложили в Казахстане сделать семейной традицией. [www.Tengrinew.kz](http://www.Tengrinew.kz). 17.01.2014

ишлаб чиқариш ҳажми 3 минг долларни ташкил қилиб, кичик ва ўрта корхоналарда эса бу кўрсаткич 27 минг долларни ташкил қиласди.

### ЯИМ да кичик бизнеснинг улуши (2017 йил)



Манба: [www.stat.gov.kz](http://www.stat.gov.kz) –*Қозоғистон Республикаси давлат статистика Агентлиги*.

Қозоғистон Республикасининг 2015 – 2017 йиллардга мўлжалланган давлат дастурида КўБ ни ривожланиши учун ички молиялаш ташкилотлари томонидан катта миқдорда маблағ жалб қилинди.

Қозоғистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш учун самарали воситаларни яратиш бўйича жиддий ишлар олиб борилмоқда, бугунги кунда у мамлакатни янада муваффақиятли ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш учун ўз самарасини бермоқда.

„Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини 2020-йилгача бошқариш концепсияси“ доирасида Қозоғистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янгидан – янги имкониятлар яратилмоқда.

Жаҳон Банки КўБ нинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бу илини 9,24 миллион доллар миқдорида пул маблағи ажратди. Дастурнинг асосий мақсади – давлат дастурини қўллаб – қувватлаш ҳамда КўБнинг хуқуқдорлигини оширишдан иборат.

Хозирги кунда ушбу дастурни ривожлантиришга қаратилган КўБ да бозор муносабатларини яхшилаш мақсадида аҳаллий йирик кўп тармоқли корпорацияларни яъни, нефтегаз, темир йўл ва металлни қайта ишлаш соҳасини таъминлаш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилмоқда.

2017 йил 1 июл ҳолатига кўра КўБ субъектларининг ҳажми олдинги йилларга нисбатан 4,8 фоизга ўсди. КўБ да якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятнинг улуши 66,3 фоизни, кичик бизнес соҳасида юридик шахсларнинг улуши 17,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги соҳаси 16,3 фоизни ҳамда ўрта бизнес соҳасида юридик шахсларнинг улуши эса 0,2 фоизни ташкил қиласди.

**Кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият юритаётган субъектлар миқдори  
(2017 йил 1 июл ҳолатига кўра)**

Жам и	кичик бизнес соҳасида юридик шахсларни нг улуши	Шу жумладан			Ўтган йилги мос даврга нисбатан фоиз кўрсаткич и	
		ўрта бизнес соҳасида юридик шахсларни нг улуши	якка тартибдаги тадбиркодли к фаолиятнин г улуши	қишлоқ хўжалиги соҳасини нг улуши		
Қозоғистон Республикаси	1 152 376	198 726	2 630	763 526	187 494	104,8
Оқмалин вилояти	42 062	6 154	117	31 827	3 964	102,2
Ақтюбин вилояти	49 624	8 486	101	36 136	4 901	107,8
Олмата вилояти	110 877	7 788	156	58 194	44 739	107,4
Атирус вилояти	42 435	5 569	101	34 581	2 184	102,5
Ғарбий Қозоғистон	37 265	5 300	92	26 413	5 460	108,5
Жамбил	59 921	4 879	51	38 929	16 062	110,4
Қарағанда	79 672	15 406	191	56 895	7 180	102,5
Костона вилояти	48 828	6 430	154	37 395	4 849	98,7
Қизилорда	36 286	4 714	67	27 264	4 241	103,2
Мангистаус вилояти	45 912	6 822	85	37 477	1 528	104,8
Жанубий Қозоғистон	178 730	16 091	162	91 577	70 900	105,8
Павлодар вилояти	41 185	7 982	96	29 851	3 256	104,0
Шимолий Қозоғистон	28 310	4 420	133	20 613	3 144	104,9
Шарқий Қозоғистон	83 547	9 348	171	59 452	14 576	101,0
Остана шахри	96 242	32 840	301	63 012	89	105,9
Олмата шахри	171 480	56 497	652	113 910	421	105,0

Манба: [www.stat.gov.kz](http://www.stat.gov.kz) –Қозоғистон Республикаси давлат статистика Агентлиги.

Хозирги кунда минтақаларда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини таъминлаш ва кучайтириш минтака иктисадиётини

ривожлантиришнинг мухим шартларидан бири хисобланади. Мазкур вазифанинг самарали хал этилиши махаллий корхоналарнинг иктисодий ривожланишини таъминлаш оркали минтака иктисодиётининг баркарор усиб бориши ва ракобатдошлигини оширишга хизмат килади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш хар бир ривожланган мамлакат иктисодий сиёсатининг мухим таркибий кисми хисобланади ва уларнинг кенг ва атрофлича ўрганиш, ундан ютуқ ва янгиликларни ўз тажриба ва амалиётимизни ривожлантиришда фойдаланиш миллий иктиносидётнинг янада жадал юксалишига кичик бизнес ва хусусий бизнеснинг улкан хисса кўшишларига имкон беради. Юкорида қайд килинган чора-тадбирларнинг мамлакатда эътиборга олиниши ва амал килиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаолиятини истикболли ривожлантиришда мухим ахамият касб этади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Государственная программа развития и государственной поддержки малого предпринимательства в Республике Казахстан на 1999-2000 годы.
2. Постановление Правительства Республики Казахстан «Об утверждении положения о порядке поддержки новых рабочих мест и развития индивидуального предпринимательства из средств Государственного фонда содействия занятости» от 4 июня 1997 г.
3. Независимая Ассоциации Предпринимателей Республики Казахстан Малый бизнес в Казахстане — на грани вымирания. 2012.
4. Лапуста М. Г., Старостин Ю. Л. Малое предпринимательство. М.: ИНФРА-М, 1997.- 322 с.

## **ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР**

1. [www.stat.ru](http://www.stat.ru)
2. [www.cisstat.org](http://www.cisstat.org)
3. [www.kaz.ru](http://www.kaz.ru)
4. [www.stat.kaz.ru](http://www.stat.kaz.ru)
5. [www.google.ru](http://www.google.ru)
6. [www.business.gov.kz.ru](http://www.business.gov.kz.ru)